

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЯДГАРОВА ГУЛНОРА САДРИТДИНОВНА

**ТАБИИЙ ВА СУНЪИЙ ОЗИҚЛАНИШДА БЎЛГАН БОЛАЛАР
БОШИ ВА ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ МОРФОМЕТРИК ТАВСИФИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ядгарова Гулнора Садритдиновна

Табиий ва сунъий озикланишда бўлган болалар
боши ва юз-жағ соҳаси морфометрик тавсифи 3

Ядгарова Гулнора Садритдиновна

Морфометрическая характеристика головы и зубочелюстной
системы у детей, находившихся в искусственном и естественном
вскармливание 25

Yadgarova Gulnara Sadritdinovna

Morphometric characteristics of the head and dentoalvial system
in children in artificial and natural breasting 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 50

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Ядгарова Гулнора Садритдиновна

**ТАБИИЙ ВА СУНЪИЙ ОЗИҚЛАНИШДА БЎЛГАН БОЛАЛАР
БОШИ ВА ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ МОРФОМЕТРИК ТАВСИФИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib239 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Тешаев Шухрат Жумаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Миршаратов Уткир Миршаратович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ахмедов Шавкат Махмудович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: +99871 150-78-25.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.

(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж. Эрматов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

У.М.Миршаратов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Болаларнинг улғайиши билан боши ва тиш-жағ тизимида, шунингдек тишловида улар истиқомат қиладиган минтақанинг иқлимий-географик хусусиятлари, овқатланиш тавсифи ва сут тишларининг доимийларига алмашинуви билан боғлиқ турли ўзгаришлар юз беради¹. Ушбу ўзгаришларни аниқлаш ва баҳолаш, уларни тизимлаш бугунги ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлик ҳолати ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан ҳозирги замонавий тиббиёт соҳаси табиий ва сунъий озикланишда болалар боши ва юз-жағ соҳаси морфометрик тавсифини баҳолаш бўйича сифатли тиббий хизмат кўрсатишда инновацион технологияларни қўллаш асосида замонавий даволаш усуллари ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда табиий ва сунъий озикланишда бўлган болалар боши ва юз-жағ соҳаси морфометрик тавсифини баҳолаш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлом болалар жинси, озикланиш хилини ҳисобга олган ҳолда бош антропометрик параметрларини баҳолаш ва ушбу параметрларнинг «олтин кесишма» тамойилига мослигини, соғлом болалар жинси, озикланиш хилини ҳисобга олган ҳолда юз морфометрик параметрларини аниқлаш ва уларнинг «олтин кесишма» тамойилига мослигига қиёсий тавсифлашдан иборат. Сунъий ва табиий озикланишда бўлган болалар тиш-жағ тизими ва тишлов параметрлари ўзгаришлари хусусиятларини қиёсий тавсифлаш, гўдаклик ёшида турли озикланишда бўлган болалар боши ва юзи антропометрик параметрлари меъёрий ўсишини аниқлаш мақсадида компьютер дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, болалар популяцияси жисмоний ривожланиши меъёр ва стандартларини тузиш болалар ҳаёт фаолиятига кўплаб ташқи омиллар таъсирини кўрсатиб берувчи объектив антрополог-экологик мониторинг яратиш касаллик асоратларни камайтириш, профилактик чора-тадбирлар механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, замонавий асбоб-ускунлар билан таъминлаш, турли соматик касалликларнинг олдини олиш, табиий ва сунъий озикланишда бўлган болалар боши ва юз-жағ соҳаси морфометрик тавсифини баҳолаш самарадорлигига эришиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бу борадаги мақсадли вазифаларни бажаришда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оналик ва болаликни

¹ Improda N., Capalbo D., Esposito A., Salerno M. Muscle and skeletal health in children and adolescents with GH deficiency. *Best Pract Res Clin Endocrinol Metab.* - 2016. - N30 (6). - P.771-783.

муҳофаза қилиш...»² беморларга кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий хизматни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сонли «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014–2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертацион тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Одам боши, юзи ва тиш-жағ тизими морфологиясининг вақтга боғлиқ ўзгарувчанлиги муаммоси долзарб бўлиб, ушбу анатомик соҳа ривожланишига таъсир қилувчи омиллар тўлиқ ўрганилмаган (Жвавий Н.Ф. ва ҳаммуал., 2008; Глакадугова М.Х. ва ҳаммуал., 2010; Hodge N. et al., 2015). Маълумки, болаларнинг жисмоний ривожланишига иқлим, тураржой рўзғор хусусиятлари, кун тартиби, овқатланиш характери, бошдан кечирилган касалликлар сезиларли таъсир кўрсатади. Муаллифларнинг кўрсатишларича, болалар жисмоний ривожланиш даражасига, шунингдек наслий омиллар, конституция типи, моддалар алмашинуви интенсивлиги, организм эндокрин фони, кон ферментлари ва овқат ҳазм қилиш безлари суюкликлари фаоллиги ҳам таъсир қилади (Hogrel J.Y. et al., 2012). Турли ёш даврларида антропометрик кўрсаткичлар кўп омилли жараён сифатида иқлимий-географик омилларга сезиларли даражада боғлиқлиги ҳам эътироф этилган (Крикун Е.Н. ва ҳаммуал., 2010; Oliveira-Neto L.A. et al., 2011; Perillo L. et al., 2013). Турли ёш гуруҳларида жисмоний ривожланиш ҳолатини баҳолаш антропометрик кўрсаткичлардан фойдаланиш, бўй ва тана оғирлигини ўлчаш билан чегараланишган (Ашуров Т.А. ва ҳаммуал., 2006; Ионина Е.В., 2006; Саттаров А.Э., 2010; Salas-Flores R. et al., 2010), аммо болалар жисмоний ривожланиши, айниқса юз-жағ соҳаси антропометрик параметрларини тавсифловчи морфометрик кўрсаткичларни тўлақонли мажмуавий ўрганиш бўйича маълумотлар етарлича ёритилмаган. Одам танаси пропорционал ривожланиши ўсиш ва ривожланишнинг асосий босқичларида ўрганиш биологик тур сифатида одам онтогенези қонуниятларини аниқлаш имконини беради (Крикун Е.Н. ва ҳаммуаллифлар, 2007; Койносов А.П., Малахова С.В.,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

2008; Деревцова С.Н., 2010; Pallotta R. et al., 2006; Rogol A.D., Hayden G.F., 2014).

Ўзбекистонда морфология соҳасида амалга оширилган ишлар қатор бажарилган. Асосини симметрия ва олтин кесишманинг биргаликда бир-бирига мослиги ётган кўриниш шаклланиши кўзга ёқимли кўриниши, гўзаллик ва гармония пайдо бўлишига сабабчи бўлади. Олтин кесишма тамойили ҳамма нарсада намоён бўлади: ракушка тузилишида, ўргимчак тўрида, гулда, ДНК молекуласи бурамасида, одам танаси турли қисмларининг пропорцияси олтин кесишмага яқин сонни ташкил этади. Агар бу пропорциялар умумқабул қилинган Фибоначчи сони (1:1,618) кўрсаткичларига мос келса, унда одамнинг танаси ёки ташқи кўриниши мукамал деб ҳисобланади (С.А.Тен. ва ҳаммуал., 2008; Ш.Ж. Тешаев ва ҳаммуал., 2016). Дефинитив ўлчамлар пропорционал ўхшашлиги позициясидан келиб чиқиб, антропометрик белгилар ёшга ва жинсга боғлиқ динамикасини ўрганиш ғоялари муаммолигича қолмоқда (Р.Н.Асфандияров. ва ҳаммуал., 2006; Р.Т. Камилова. ва ҳаммуал., 2016). Шу сабабли турли минтақалар, шу жумладан мамлакатимиз болалари жисмоний ривожланиши, жинсий етилиши стандартларини тузиш тиббиёт ва педагогика учун катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқиладиган стандартлар акселерация жараёни ва бола соматик ривожланишига боғлиқ ҳолда тез-тез янгилаб туришни талаб қилади. Тиббиёт манбаларининг кўрсатишича, охириги йилларда тиш-жағ тизими аномалиялари ва деформациялари сони кўпайди, бу айниқса кўкрак ёшида сунъий озиклантиришда бўлган болаларда яққол кузатилган.

Тишлов патологиясининг олдини олишда сут тишларининг доимий тишларга ўзгаришини назоратга олиш муҳим аҳамият касб этади. Сут тишларининг муддатидан олдин йўқотилиши ёки доимий тишлар илк давриданок сўрилиб кетишида боланинг гўдаклик давридаги озикланиш хили катта аҳамиятга эга. Болани сунъий озиклантиришда йўл қўйиладиган хатоликлар тиш-жағ тизими аномалиялари пайдо бўлишининг сабаби бўлиши мумкинлигини асослаш бугунги кунда ҳал қилиниш лозим бўлган долзарб муаммолардан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Атроф-муҳит нокулай омиллари таъсирини болалар ва ўсмирларнинг антропометрик кўрсаткичлари ва жисмоний ривожланишга таъсирини ўрганиш» (2013–2018) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади соғлом болаларнинг кўкрак ёшида озикланишининг сунъий ёки табиийлигини ҳисобга олган ҳолда бош ва тиш-жағ тизими морфометрик параметрларини қиёсий тавсифлашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

соғлом болалар жинси, озикланиш хилини ҳисобга олган ҳолда бош антропометрик параметрларини аниқлаш ва ушбу параметрларнинг «олтин кесишма» тамойилига мослигини баҳолаш;

соғлом болалар жинси, озикланиш хилини ҳисобга олган ҳолда юз морфометрик параметрларини аниқлаш ва уларнинг «олтин кесишма» тамойилига мослигига қиёсий баҳо бериш;

сунъий ва табиий озикланишда бўлган болалар тиш-жағ тизими ва тишлов параметрлари ўзгаришлари хусусиятларини қиёсий жиҳатдан аниқлаш;

гўдаклик ёшида турли озикланишда бўлган болалар боши ва юзи антропометрик параметрлари меъерий ўсишини аниқлаш мақсадида компьютер дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2013-2015 йилларда Бухоро вилоятидаги меҳрибонлик уйида тарбияланаётган кўкрак ёшида сунъий ва табиий озикланишда бўлган 3–12 ёшли жами 908 нафар соғлом ўғил ($n=453$) ва қиз болалар ($n=455$) олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бош антропометрик параметрлари юз ва тиш-жағ тизими морфометрик кўрсаткичларининг материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун антропометрик, рентгенографик, телерентгенографик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кўкрак ёшида сунъий ва табиий озиклантирилганлиги ҳисобга олинган ҳолда болалар бош ва юзи параметрларининг «олтин кесишма» тамойилига мослигининг антропометрик параметрлари асосланган;

болаларда тиш-жағ тизими параметрларини кўкрак ёшида сунъий ва табиий озикланиши ҳисобга олинган ҳолда соғлом болалар кўрсаткичларига нисбатан қиёсий тавсифининг хусусиятлари очиб берилган;

илк бор турли озикланишда бўлган болалар тишларининг анатомик параметрларини баҳолашда рентгенограмма материали асосида олинган натижаларнинг корреляцион боғлиқлиги исботланган;

гўдаклик даврида сунъий ва табиий озикланишини жинсни ҳисобга олинган ҳолда тиш-жағ тизими шаклланиши ва ривожланиши тишлов ҳолати ўзгаришларининг ижобий хусусиятлари исботланган;

озикланиш хилига боғлиқ ҳолда болалар антропометрик параметрлари бўйича боши морфологик кўрсаткичларини баҳолаш тизими асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болалар боши ва юзи морфометрик параметрларини, уларнинг озикланиш хилини ҳисоблаш орқали «олтин кесишма» тамойилига мослигини орқада қолишларни, турли патологик ҳолатларни эрта аниқлаш имконини берган;

озикланиш хилига боғлиқ ҳолда тиш-жағ тизими турли ўзгаришларини аниқлаш амалий аҳамиятга эга бўлиб, маълумотларга эгаллик қилиш, уларни тизимлаш, тиш-жағ патологияси пасайиши ва бола гармоник ривожланишини таъминлаш исботланган;

пропорционал гармония, минтақавий пропорциялар юзага келиши, болалик даврида шаклланадиган бош, юз ва тиш-жағ тизими қисмларининг бир-бирига мослигини ифодалаган;

олинган илмий натижалар тиббиёт институтлари учун клиник анатомия бўйича маърузалар ўқиш, амалий машғулотлар ўтказиш ва талабалар мустақил ишларини бажаришлари учун янги манба сифатида фойдаланишга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги замонавий, бир-бирини тўлдириб турувчи антропометрик, рентгенографик, телерентгенографик, статистик усулларнинг тадқиқотларда қўлланилиши билан ифодаланган. Бу турли хилдаги озиқланишда бўлган болалар боши, юзи ва тиш-жағ тизими морфологик параметрларидаги ўзгаришлар ўзига хос қонуниятларини, шунингдек табиий ва сунъий озиқланишда бўлган болалар боши ва юз-жағ соҳаси морфометрик тавсифи болалар организми патологик ҳолатлари шаклланиши ва ривожланишини аниқлаш имконини яратган. Бу ҳолат ватандош ва хорижий тадқиқотчилар томонидан олинган материаллар билан солиштириш, олинган натижалар ва хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти бош антропометрик параметрлари, юз морфометрик кўрсаткичлари, тиш-жағ тизими параметрлари ўзгаришлари хусусиятларини аниқлаш ва ўрганиш бўйича назарий билимлар даражасини кенгайтириш имконини берган. Улар илмий фаолиятнинг турли соҳаларида қўлланилиши мумкинлиги изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли хил тартибда озиқланишда бўлган болалар боши, юзи ва тиш-жағ тизими морфометрик параметрлари шаклланиш ва ривожланиши асосий тамойиллари аниқланган. Бу одам танаси шу соҳаси патологик ҳолатлари ривожланишининг олдини олиш учун профилактик тадбирлар ишлаб чиқишга имконият яратган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Табиий ва сунъий озиқланишда бўлган болалар боши ва юз-жағ соҳаси морфометрик тавсифи аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Табиий ва сунъий озиқлантирилган болаларнинг бош суягининг антропометрик кўрсаткичларни ҳудудий меъёрларни ишлаб чиқиш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 мартдаги 8н-д/58-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар орасида табиий ва сунъий озиқланишда бўлган болалар бош ва юз-жағ соҳаси морфометрик тавсифини аниқлаш тизимини ташкиллаштириш имконини берган;

табиий ва сунъий озиқланишда бўлган болалар боши ва юз-жағ соҳаси морфометрик тавсифи бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Бухоро вилояти болалар стоматология поликлиникаси ва Бухоро вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказининг клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 28 июндаги 8н-з/143-сон

маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши болалар популяциясининг жисмоний ривожланишда силжишлари бўлган болаларни ажратиш, турли хил шароитларда озикланган болалар бош ва юз-жағ соҳалари патологик ҳолатлар ва нуқсонларни 22,2%га камайтириш, болаларнинг морфометрик кўрсаткичларни ўзгаришини эрта аниқлаш, беморларнинг умр кўриш даврийлигини узайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объектлари, предмети ифодаланган, тадқиқотнинг мамлакатимиз фани ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган маълумотларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Табий ва сунъий озикланишда бўлган болалар боши ва юз-жағ соҳаси морфометрик тавсифининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида аёл ва эркак жинсига мансуб соғлом шахслар ривожланиши антропометрик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили, болалар боши, юзи ва тиш-жағ тизими морфометрик тавсифининг хусусиятлари, кўкрак сути билан озикланишнинг болалар саломатлиги ва жисмоний ривожланишига таъсири тўғрисидаги маълумотлар келтирилган ҳамда охириги йилларда чоп этилган илмий манбалар шарҳи баён этилган.

Диссертациянинг «**Табий ва сунъий озикланишда бўлган болалар боши ва юз-жағ соҳаси морфометрик тавсифини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида қўйилган муаммонинг ечимини таъминлайдиган услубий ёндашувлар ва усуллар келтирилган. Тадқиқотларга ҳар иккала жинсга мансуб, Бухоро вилоятида доимий истиқомат қилувчи 3–12 ёшли 908 нафар болалар жалб қилинган. Тадқиқот ўтказилган амалий жиҳатдан соғлом болалар контингенти умумий миқдоридан ($n=908$) 453 нафари ($49,9\pm 1,7\%$) ўғил болалар, 455 нафари ($50,1\pm 1,7\%$) қиз болалар, уларнинг 377

нафари (41,5±1,6%) кишлоқларда истиқомат қилса, 531 нафари (58,5±1,6%) шаҳарликлар бўлишган.

Тадқиқотларга жалб этилган болалар ўқиш ва/ёки тарбияланиш жойи бўйича ҳам тақсимланган. Ўрганилган контингент умумий сонидан 395 нафари (43,5±1,6%) ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчилари, 394 нафари (43,4±1,6%) мактабгача тарбия муассасалари (МТМ) тарбияланувчилари ва 119 нафари (13,1±1,6%) Бухоро шаҳридаги меҳрибонлик уйлари (МУ) ва чақалоқлар уйлари тарбияланувчилари бўлишган.

Текширилган ўғил ва қиз болалар ёш таркиби умумий текширилганлар сонига мос келади, шунингдек ўтказилган тадқиқотлар ҳажми ишонарли натижалар олиш ва хулосалар қилишга имкон яратган.

Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қиёсий таҳлил ўтказиш учун текширилган барча болалар гўдаклик давридаги озиқланиш типига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинган: 1-гуруҳ – асосий гуруҳ, гўдаклик даврида сунъий озиқлантирилганлар (МУ ва чақалоқлар уйлари тарбияланувчилари, n=119); 2-гуруҳ – таққослаш гуруҳи, гўдаклик даврида табиий озиқлантирилганлар (уй шароитида ўсган болалар, n=789).

Болаларнинг озиқланиш хили (табиий ёки сунъий) махсус ишлаб чиқилган анкета ёрдамида аниқланган. Анкеталар МТМ ёки ўрта умумтаълим мактабларига қатнайдиган болалар ота-оналари, МУ ва чақалоқлар уйида бўлган болалар тарбияланувчилари томонидан тўлдирилган.

Текширилган болаларнинг бош ва тиш-жағ тизими морфометрик маълумотларини ўрганиш шу муассасаларнинг тиббиёт пунктларида шифокор ва/ёки тиббиёт ҳамшираси иштирокида ўтказилган.

Ўрганилган болалар антропометрик тадқиқотлари Шомирзаев Н.Х. ва ҳаммуаллифлар (1998) услубий қўлланмалари бўйича амалга оширилган. Тадқиқотларга жалб қилинган болалар бош параметрларининг (калла суяги шаклини аниқлаш) морфологик тавсифи 5 та кўрсаткич бўйича аниқланган: бош узунлиги (бошнинг узунасига диаметри); бош кенглиги (бошнинг кўндалангига ўлчами); бош айланаси; бош вертикал ёки баландлик диаметри; пешонанинг кўндаланг ўлчами.

Бундан ташқари бош (калла суяги) асоси ўлчами бош (калла суяги) асоси узунлиги ва бош (калла суяги) асоси кенглиги бўйича баҳоланган.

Ўрганилган болалар юз параметрлари морфометрик тавсифи 10 та кўрсаткич бўйича ўтказилган: ёноқ диаметри; пастки жағ диаметри; юз морфологик баландлиги; юз физиономик баландлиги; кўз ташқи кенглиги; кўзлараро кенглик; иккала лаб шиллик қисми баландлиги; оғиз кенглиги.

Болалардаги тишлов ҳолатини аниқлаш учун сунъий (1-гуруҳ) ва табиий озиқланишда (2-гуруҳ) бўлган ўғил ва қиз болалардан гипс моделлари олинган. Бунинг учун ортопедик стоматологияда қўлланиладиган тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Юқори ва пастки жағлар, тиш қатори ҳолатини қиёсий ўрганиш мақсадида кенг қамровли рентгенография ўтказилган. Бу учун Fona XPan DG Plus (Италия) рентген асбобидан фойдаланилган (Персин Л.И., 2007).

Болалар юзи телерентгенографияси Fona XPan DG Plus (Италия) рентген асбоби ёрдамида Персин Л.И. (2007) бўйича ўтказилган.

Олинган маълумотлар ЭХМда Microsoft Office Excel-2007 дастури тўплами ёрдамида статистик ишланган. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилган (Пономарёва Л.А., Маматкулов Б.М., 2004).

Диссертациянинг «**Кўкрак ёшида сунъий ва табиий озиклантирилган болалар боши антропометрик параметрларининг қиёсий таҳлили**» деб номланган учинчи бобида гўдаклик даврида табиий озиклантирилган 3–12 ёшли ҳар иккала жинсга мансуб болалар боши антропометрик параметрлари натижалари ва уларни сунъий озиклантирилган болалар параметрлари билан солиштириш кўрсаткичлари келтирилган.

Гўдаклик даврида табиий озиклантирилган ўғил болалар боши антропометрик кўрсаткичлари бўйича олинган натижалар шуни кўрсатдики, 3 ёшли ўғил болаларда бош айланаси ўртача $48,85 \pm 0,11$ см. ни ташкил этган. Бош узунлик диаметри ўртача $15,73 \pm 0,05$ см, кўндаланг ўлчами эса ўртача $12,67 \pm 0,12$ см бўлган. Пешона кўндаланг ўлчами кўрсаткичи бу болаларда ўртача $9,23 \pm 0,03$ см. ни ташкил этган. Шу билан бирга бош вертикал диаметри ўртача $12,96 \pm 0,05$ см. ни ташкил қилган. Калла суяги асосининг узунлиги ва кенглиги мос равишда ўртача $13,35 \pm 0,16$ см ва $12,96 \pm 0,18$ см. ни ташкил этган.

4 ёшли ўғил болалар кўрсаткичлари 3 ёшлилар маълумотларидан фарқ қилмаган ($P > 0,05$). Уларда бош айланаси ўртача $48,98 \pm 0,08$ см, бош узунлик диаметри ўртача $15,34 \pm 0,06$ см, кўндаланг ўлчам ўртача $12,81 \pm 0,09$ см, пешона кўндаланг ўлчами ўртача $9,98 \pm 0,04$ см, бош вертикал диаметри ўртача $13,57 \pm 0,05$ см. ни ташкил этган. Калла суяги асоси узунлиги ва кенглиги мос равишда $12,78 \pm 0,16$ см ва $12,71 \pm 0,18$ см. ни ташкил этган.

5 ёшли ўғил болаларда 3 ва 4 ёшлиларга нисбатан ўлчамларнинг ишонарли ошгани кузатилган ($P < 0,05$). Бу ўғил болаларда бош айланаси ўртача $50,81 \pm 0,10$ см, бош узунлик диаметри ўртача $15,60 \pm 0,09$ см, бош кўндаланг ўлчами ўртача $12,99 \pm 0,11$ см, пешона кўндаланг ўлчами ўртача $10,35 \pm 0,17$ см, бош вертикал диаметри ўртача $13,93 \pm 0,09$ см. ни ташкил қилган. Калла суяги узунлиги ва кенглиги ўртача $12,40 \pm 0,16$ см. дан иборат бўлган.

Эркак жинсига мансуб 6 ёшли болаларда бошнинг барча параметрлари 3 ва 4 ёшли болалар кўрсаткичларидан ишонарли юқори бўлган ($P < 0,05$), баъзи кўрсаткичлар эса 5 ёшли ўғил болаларга нисбатан анча юқори бўлган. Шу ёшли ўғил болаларда бош айланаси ўртача $50,83 \pm 0,12$ см. ни ташкил этган. Бошқа ўртача кўрсаткичлар қуйидагича тус олган: бош узунлик диаметри $16,19 \pm 0,10$ см; бош бош кўндаланг ўлчами $13,85 \pm 0,08$ см; пешона кўндаланг ўлчами $11,06 \pm 0,09$ см; бош вертикал диаметри $14,42 \pm 0,07$ см; калла суяги асоси узунлиги $13,40 \pm 0,16$ см; калла суяги асоси кенглиги $13,40 \pm 0,16$ см.

7 ёшли ўғил болаларда эркак жинсига мансуб 6 ёшдаги болалардагига ўхшаш ўзгаришлар тенденцияси кузатилган: бош айланаси ўртача $52,58 \pm 0,24$ см, бош узунлик диаметри $16,39 \pm 0,09$ см, бош кўндаланг ўлчами $14,72 \pm 0,09$ см, пешонанинг кўндаланг ўлчами $11,53 \pm 0,09$ см, бош вертикал диаметри

14,57±0,10 см, калла суяги асоси узунлиги 14,31±0,16 см, кенглиги 13,88±0,16 см.ни ташкил этган.

Эркак жинсига мансуб 8 ёшли болаларда бош ўлчамларининг секин аста катталашуви давом этган, амалий жиҳатдан барча параметрлар олдинги ёш гуруҳидан ишонарли фарқ қилган. Уларда бош айланасининг ўртача 52,80±0,24 см, бош узунлиги диаметри ўртача 16,76±0,08 см лиги эътироф этилган. Бош кўндаланг ўлчами ўртача 14,97±0,11 см, пешона кўндаланг ўлчами ўртача 11,65±0,08 см, бош вертикал диаметри ўртача 14,65±0,11 см ни ташкил этган. Калла суяги асоси узунлиги ва кенглиги мос равишда 14,27±0,16 см ва 14,21±0,16 см.ни ташкил этган.

Бош ўлчамларининг секин аста катталашуви тенденцияси 9 ёшли табиий озикланган ўғил болаларда ҳам давом этган. Уларда бош айланаси ўртача 53,28±0,11 см, бош узунлик диаметри 16,90±0,10 см, бош кўндаланг ўлчами 15,06±0,13 см, пешона кўндаланг ўлчами 11,82±0,09 см, бош вертикал диаметри 14,72±0,04 см, калла суяги асоси узунлиги 14,92±0,08 см, калла суяги асоси кенглиги 14,32±0,05 см.ни ташкил этган.

Эркак жинсига мансуб 10 ёшли болалар боши айланаси ўртача 53,73±0,26 см, бош узунлик диаметри 17,05±0,10 см, бош кўндаланг ўлчами 15,34±0,11 см, пешона кўндаланг ўлчами 12,07±0,06 см, бош вертикал диаметри 14,91±0,04 см, калла суяги асоси 15,0±0,07 см, калла суяги асоси кенглиги 14,52±0,06 см ни ташкил этган.

Шу жинсдаги 11 ёшли болаларда бош айланаси ўртача 55,65±0,10 см, бош узунлик ўлчами ўртача 17,48±0,10 см.ни ташкил этган. Агар бош кўндаланг ўлчами ўртача 15,89±0,11 см.ни ташкил этган бўлса, пешона кўндаланг ўлчами ўртача 12,78±0,09 см, бош вертикал диаметри ўлчами 15,74±0,10 см.га тенг бўлган. Калла суяги асоси узунлиги ва кенглиги мос равишда ўртача 15,32±0,09 см ва 15,97±0,08 см.ни ташкил этган.

12 ёшли болаларда ҳам шу тенденция давом этгани эътироф этилган. Бош ўлчамларини ўлчаш натижалари 9–11 ёшли эркак жинсига мансуб ўғил болалар маълумотларига ўхшаш бўлган ($P>0,05$). Натижалар кўрсатишича, бош айланаси ўртача 55,92±0,12 см, бош узунлик диаметри 17,77±0,11 см, бош кўндаланг ўлчами 15,97±0,12 см, пешона кўндаланг ўлчами 12,99±0,11 см, бош вертикал диаметри 15,96±0,12 см, калла суяги асоси 15,47±0,13 см, калла суяги асоси кенглиги 16,04±0,12 см.ни ташкил этган.

Шундай қилиб, кўкрак ёшида табиий озиклантирилган 3–12 ёшли ўғил болалар боши антропометрик параметрларини ўрганиш шуни кўрсатганки, барча параметрлар ёш ошиб бориши билан узвий боғлиқликда кўпайган. Бош параметрлари ишонарли фарқлари асосан 5 ёшдан бошланган. 10–12 ёшли ўғил болалар маълумотлари бир-бирига яқин бўлган ва ишонарли фарқ кузатилмаган.

Табиий озиклантирилган 3 ёшли қизлар боши антропометрик кўрсаткичлари ўғил болалар маълумотларидан бирмунча фарқ қилган. Уларда бош айланаси ўртача 48,22±0,07 см, бош узунлик диаметри 15,11±0,06 см, кўндаланги 12,22±0,03 см бўлган. Агар пешона кўндаланг ўлчами ўртача

9,25±0,06 см бўлган бўлса, бош вертикал диаметри 12,22±0,04 см га тенг бўлган. Калла суяги асоси узунлиги ва кенглиги мос равишда 12,39±0,07 см ва 12,44±0,08 см га тенг бўлган.

4 ёшли киз болалар бош параметрлари 3 ёшли қизлар маълумотларидан амалий жиҳатдан фарқ қилмаган ($P>0,05$). 4 ёшли қизларда қуйидаги ўртача натижалар кузатилган: бош айланаси 48,28±0,03 см; бош узунлик диаметри 15,27±0,05 см; бош кўндаланг ўлчами 12,45±0,04 см; пешона кўндаланг ўлчами 9,83±0,06 см; бош вертикал диаметри 12,39±0,07 см. Калла суяги асоси узунлиги ва кенглиги мос равишда 12,12±0,07 см ва 12,76±0,08 см.ни ташкил этган.

5 ёшли киз болалар бош барча параметрлари 3 ва 4 ёшли қизлар маълумотларидан ишонарли фарқ қилмаган. Қуйида 5 ёшли қизлар боши ўртача кўрсаткичлари келтирилган: бош айланаси 48,40±0,09 см; бош узунлик диаметри 15,52±0,09 см; бош кўндаланг ўлчами 12,67±0,08 см; пешона кўндаланг ўлчами 10,40±0,09 см; бош вертикал диаметри 12,74±0,10 см. Агар калла суяги асоси узунлиги 12,04±0,06 см.ни ташкил этган бўлса, калла суяги асоси кенглиги 12,91±0,09 см.га тенг бўлган.

6 ёшли қизлар параметрларида 3–5 ёшли шу жинсга мансубларга нисбатан баъзи тафовутлар кузатилган ($P<0,05$). 6 ёшли қизларда бош айланаси ўртача 50,14±0,11 см; бош узунлик диаметри 15,82±0,10 см; бош кўндаланг ўлчами 12,68±0,09 см; пешона кўндаланг ўлчами 11,16±0,08 см; бош вертикал диаметри 12,89±0,09 см; калла суяги асоси узунлиги 12,15±0,08 см, калла суяги асоси кенглиги 12,98±0,11 см.га тенг бўлган.

7 ёшли қизлар маълумотлари 6 ёшлилар параметрларига ўхшаш бўлган ($P>0,05$). Шу ёшдаги қизлар бош айланаси ўртача 50,85±0,09 см, бош узунлик диаметри 16,32±0,12 см, бош кўндаланг ўлчами 13,14±0,12 см, пешона кўндаланг ўлчами 11,31±0,14 см, бош вертикал диаметри 13,17±0,11 см, калла суяги асоси узунлиги ва кенглиги мос равишда 12,27±0,11 см ва 13,05±0,16 см ни ташкил этган. Барча ўрганилган кўрсаткичлар бўйича 8 ёшли қизлар параметрлари 3–6 ёшли қизлар маълумотларидан ишонарли фарқ қилгани ҳолда ($P<0,05$), 7 ёшли қизлар параметрларига яқин бўлган. 8 ёшли табиий озиклантирилган қизларда қуйидаги ўртача натижалар олинган: бош айланаси 52,89±0,14 см; бош узунлик диаметри 16,47±0,13 см; бош кўндаланг ўлчами 13,17±0,17 см; пешона кўндаланг ўлчами 11,49±0,10 см; бош вертикал диаметри 13,28±0,12 см; калла суяги асоси узунлиги 12,76±0,15 см; калла суяги асоси кенглиги 13,18±0,12 см. 9 ёшли қизларда бош айланаси ўртача 53,27±0,11 см, бош узунлик диаметри ўртача 17,08±0,14 см, бош кўндаланг ўлчами ўртача 13,43±0,16 см, пешона кўндаланг ўлчами 11,56±0,12 см; бош вертикал диаметри ўртача 13,72±0,18 см, калла суяги асоси узунлиги ўртача 12,92±0,18 см; калла суяги асоси кенглиги ўртача 13,23±0,08 см бўлган.

Кўкрак ёшида табиий озиклантирилган 10 ёшли қизларда ҳам бош ўлчамлари катталашиш тенденцияси бир хилда давом этган. Олинган натижалар 3–7 ёшли аёл жинсига мансуб болалар параметрларидан ишонарли даражада кўплигини ($P<0,05$) ва 8-9 ёшли қизлар натижаларига яқинлигини

кўрсатган. 11–12 ёшли қизлар боши антропометрик кўрсаткичлари бир биридан амалий жиҳатдан фарқ қилмаган. Шундай қилиб, 3–12 ёшли қиз болаларда шу ёшдаги ўғил болалар каби бош ўлчамлари бир текисда катталашининг ёшга боғлиқлиги аниқланган. Қиз болаларда ишонарли тафовут 8 ёшдан бошлаб кузатилган, унда бошнинг барча параметрлари 3–7 ёшли қизлар маълумотларидан ишонарли юқорилиги аниқланган. Диссертациянинг олдинги қисмларида олинган натижалар батафсил ёритилган эди, чунки улар минтақа учун меъёр сифатида тавсия қилинган. Натижалар шу ёшдаги сунъий озиклантирилган болалар маълумотлари билан таққосланган. Кўкрак ёшида сунъий озиклантирилган 3–7 ёшли ўғил болалар боши антропометрик параметрлари гўдаклик даврида табиий озиклантирилган шу ёшдаги болалар кўрсаткичларига нисбатан ишонарли ($P < 0,05$ - $P < 0,01$) паст бўлган (1-жадвал).

1-жадвал

Кўкрак ёшидаги табиий ва сунъий озиклантирилган 3–7 ёшли ўғил болалар боши антропометрик параметрлари, см

Ёши, йиллар		БА	БУД	БКЎ	ПКЎ	БВД
3	ТО	48,85±0,11	15,73±0,05	12,67±0,12	9,23±0,03	12,96±0,05
	СО	46,34±0,11*	13,80±0,05*	9,52±0,12*	8,73±0,03*	11,24±0,05*
4	ТО	48,98±0,08	15,34±0,06	12,81±0,09	9,98±0,04	13,57±0,05
	СО	47,52±0,08*	14,21±0,06*	9,67±0,09*	8,94±0,04*	11,36±0,05*
5	ТО	50,81±0,10	15,60±0,09	12,99±0,11	10,35±0,17	13,93±0,09
	СО	48,17±0,10*	14,55±0,09*	10,03±0,11*	10,12±0,10*	11,78±0,09*
6	ТО	50,83±0,12	16,19±0,10	13,85±0,08	11,06±0,09	14,42±0,07
	СО	49,19±0,12*	14,86±0,10*	10,87±0,08*	10,78±0,09*	11,22±0,07*
7	ТО	52,58±0,24	16,39±0,09	14,72±0,09	11,53±0,09	14,57±0,10
	СО	50,23±0,13*	14,95±0,09*	12,16±0,09*	10,89±0,09*	11,40±0,10*

Эслатма: * – ишончлилик кўрсаткичи; ТО – табиий озикланиш; СО – сунъий озикланиш; БА – бош айланаси; БУД – бош узунлик диаметри; БКЎ – бош кўндаланг ўлчами; ПКЎ – пешона кўндаланг ўлчами; БВД – бош вертикал диаметри.

Яққол намоён бўлувчи фарқлар бош айланаси, пешона кўндаланг ўлчами ва бош вертикал диаметри бўйича кузатилган бўлса, сезиларсиз ўзгаришлар бош узунлик диаметри ва кўндаланг ўлчами бўйича кузатилган.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида кўкрак ёшида сунъий ва табиий озиклантирилган 8–12 ёшли ўғил болалар боши антропометрик параметрлари кўрсаткичлари қиёсий ўрганилган. Текширилган ўғил болалар боши ўлчамлари ўзгаришлари тенденцияси олдинги ёшдаги болалар параметрларига ўхшаш бўлган. Олинган натижалар кўрсатишича, сунъий озиклантирилган 8–12 ёшли ўғил болалар боши барча параметрлари уларнинг табиий озиклантирилган тенгдошлари кўрсаткичларига нисбатан ишонарли паст бўлган ($P < 0,05$; $P < 0,01$).

Яққол намоён бўлган ўзгаришлар бош айланаси ўлчамига таалуқли бўлган, унда сунъий озиклантирилган ўғил болалар кўрсаткичлари табиий озиклантирилганлар маълумотларидан ишонарли даражада пастлиги аниқланган. Шундай қилиб, кўкрак ёшида сунъий ва табиий озиклантирилган 8–12 ёшли ўғил болалар боши антропометрик параметрларини қиёсий ўрганишда, ўғил болалар боши ўлчамлари ўзгариш тенденцияси 3–7 ёшли ўғил болалар параметрларига ўхшаш бўлган. Ўғил болаларда ўтказилган тадқиқотлар шу ёшдаги қизларда ҳам ўтказилган. Барча олинган кўрсаткичлари бир биридан ишонарли фарқ қилса ҳамки, ўзгаришлар тенденцияси бир бирига яқин бўлган. Олинган қиёсий натижалар шуни кўрсатганки, энг катта ўзгаришлар 3, 4 ва 7 ёшлилар бош айланаси параметрларига тўғри келган. Шунга ўхшаш катта тафовутли фарқлар қизлар боши вертикал диаметрида ҳам кузатилган. Бошнинг бошқа антропометрик параметрлари бўйича яққол намоён бўлмаган, аммо 3–7 ёшли қизлар натижаларидан ишончли фарқли натижалар олинган ($P<0,05$). Қуйида кўкрак ёшида табиий ва сунъий озиклантирилган 8–12 ёшли қизлар боши антропометрик параметрларини ўрганиш бўйича натижалар келтириб ўтилган (2-жадвал).

2-жадвал

Табиий ва сунъий озиклантирилган 8–12 ёшли қизлар боши антропометрик параметрларининг қиёсий кўрсаткичлари, см

Ёши, йиллар	БА	БУД	БКЎ	ПКЎ	БВД	
8	ТО	52,89±0,14	16,47±0,13	13,17±0,17	11,49±0,10	13,28±0,12
	СО	51,60±0,30*	15,30±0,07*	11,79±0,10*	10,48±0,11*	11,59±0,07*
9	ТО	53,27±0,11	17,08±0,14	13,43±0,16	11,56±0,12	13,72±0,18
	СО	51,74±0,14*	15,61±0,09*	11,93±0,14*	10,60±0,09*	10,73±0,08*
10	ТО	53,83±0,16	17,27±0,17	13,79±0,19	11,79±0,19	13,94±0,16
	СО	52,03±0,17*	15,92±0,07*	12,12±0,14*	10,74±0,09*	10,96±0,04*
11	ТО	55,12±0,14	17,86±0,07	14,66±0,11	11,94±0,09	14,18±0,07
	СО	53,08±0,12*	16,12±0,08*	12,96±0,09*	10,99±0,09*	11,23±0,07*
12	ТО	55,37±0,13	17,96±0,10	14,72±0,10	12,05±0,06	14,29±0,05
	СО	53,26±0,10*	16,33±0,06*	13,27±0,08*	11,16±0,07*	11,48±0,05*

Эслатма: * – ишончлилик кўрсаткичи; ТО – табиий озикланиш; СО – сунъий озикланиш; БА – бош айланаси; БУД – бош узунлик диаметри; БКЎ – бош кўндаланг ўлчами; ПКЎ – пешона кўндаланг ўлчами; БВД – бош вертикал диаметри.

Табиий ва сунъий озиклантирилган қиз болалар кўрсаткичлари орасида тафовутли фарқлар аниқланган ($P<0,05$). Бошнинг барча ўрганилган параметрлари бир биридан фарқ қилгани кўрсатилган ($P<0,05$ - $P<0,01$). Бу айниқса, кўкрак ёшида табиий ва сунъий озиклантирилган 8–12 ёшли қизлар

бош айланаси, бош вертикал диаметрларини ўлчаш натижалари бўйича якқол кўринган.

Диссертациянинг «Сунъий ва табиий озиклантирилган болалар юзи ва тиш-жағ тизими антропометрик параметрларининг қиёсий таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида кўкрак ёшида табиий озиклантирилган ҳар иккала жинсга мансуб 3–12 ёшли болалар юзи ва тиш-жағ тизими антропометрик параметрлари ҳамда уларнинг сунъий озиклантирилган болалар кўрсаткичлари билан қиёсланганлик натижалари келтирилган.

Ўрганилган 3 ёшли ўғил болалар юзи параметрларини ўрганиш шуни кўрсатганки, ёноқ диаметри ўртача $8,35 \pm 0,04$ см, пастки жағ диаметри ўртача $6,56 \pm 0,06$ см.ни ташкил этган. Юзнинг морфологик баландлиги ўртача $11,30 \pm 0,07$ см, юзнинг физиономик баландлиги $16,74 \pm 0,03$ см, кўзнинг ташқи кенглиги $8,28 \pm 0,04$ см, кўзлараро кенглик $2,17 \pm 0,01$ см, иккала лаб шиллик қисми баландлиги $1,44 \pm 0,01$ см, оғиз кенглиги $3,82 \pm 0,02$ см га тенг бўлган. Шунга ўхшаш натижалар 4 ёшли ўғил болаларда ҳам олинган.

5 ёшли ўғил болаларда 3 ва 4 ёшли ўғил болаларда нисбатан юз ўлчамлари катталашishi бўйича сезиларсиз, аммо ишонарли натижалар олинган ($P < 0,05$). Тадқиқотлар кўрсатишича, ёноқ диаметри ўртача $9,39 \pm 0,07$ см, пастки жағ диаметри эса $7,05 \pm 0,08$ см га етган. Шунинг баробарида юзнинг бошқа параметрлари ўсиш томонига қараб ўзгарган – юз морфологик баландлиги ўртача $11,45 \pm 0,04$ см, юз физиономик баландлиги ўртача $16,88 \pm 0,02$ см, кўзнинг ташқи кенглиги ўртача $8,96 \pm 0,04$ см, кўзлараро кенглик $3,03 \pm 0,01$ см, иккала лаб шиллик қисми баландлиги $1,88 \pm 0,01$ см, оғиз кенглиги $4,21 \pm 0,02$ см.гача катталашган.

6 ёшли ўғил болалар юз параметрлари 3 ва 4 ёшли болаларнинг шу кўрсаткичларидан ишонарли равишда юқори бўлган ($P < 0,05$). Олинган ўртача кўрсаткичлар қуйидагича тус олган: ёноқ диаметри $9,50 \pm 0,07$ см; пастки жағ диаметри $7,23 \pm 0,06$ см; юз морфологик баладлиги $11,53 \pm 0,05$ см; юз физиономик баландлиги $16,91 \pm 0,03$ см; кўз ташқи кенглиги $9,07 \pm 0,03$ см; кўзлараро кенглик $3,81 \pm 0,02$ см; иккала лаб шиллик қисми баландлиги $1,97 \pm 0,02$ см; оғиз кенглиги $4,73 \pm 0,03$ см.

Ўтказилган ўлчашлар кўрсатишича, 7 ёшли ўғил болаларда 6 ёшлиларга ўхшаш ўзгаришлар тенденцияси кузатилган. Эркак жинсига мансуб 8 ёшли болалар юзи ўлчамларининг ҳам катталашиб бораётгани аниқланган, амалий жиҳатдан барча параметрлар олдинги ёш гуруҳларига нисбатан фарқ қилган.

9 ёшли ўғил болалар юзи параметрларини ўрганиш қуйидаги ўртача параметрларни кўрсатган: ёноқ диаметри $9,91 \pm 0,05$ см; пастки жағ диаметри $8,53 \pm 0,05$ см; юз морфологик баландлиги $11,61 \pm 0,02$ см; юз физиономик баландлиги $17,81 \pm 0,02$ см, кўз ташқи кенглиги $9,91 \pm 0,03$ см; кўзлараро кенглик $4,79 \pm 0,06$ см; иккала лаб шиллик қисми баладлиги $2,47 \pm 0,06$ см; оғиз кенглиги $5,06 \pm 0,04$ см.

10 ёшли ўғил болалар юз параметрлари амалий жиҳатдан 8 ва 9 ёшли эркак жинсига мансуб болалар кўрсаткичлари доирасида бўлган, натижалар бир

биридан ишонарли фарқ қилмаган ($P>0,05$), ишонарли тафовут бўлса 3–7 ёшли ўғил болаларга нисбатан кузатилган ($P<0,05$).

11 ёшли ўғил болалар юз параметрларини ўрганиш шуни кўрсатганки, ёноқ диаметри ўртача $9,97\pm 0,10$ см, пастки жағ диаметри $8,43\pm 0,07$ см бўлган. Шунинг баробарида юз морфологик баландлиги ўртача $11,67\pm 0,05$ см, юз физиономик баландлиги $18,11\pm 0,03$ см, кўз ташқи кенглиги $10,15\pm 0,03$ см, кўзлараро кенглик $4,96\pm 0,02$ см, иккала лаб шиллик қисми баландлиги $2,93\pm 0,05$ см, оғиз кенглиги $5,54\pm 0,07$ см бўлган.

Юз ўлчамларининг катталашиши 12 ёшли ўғил болаларда ҳам давом этган. Юз ўлчамларини аниқлаш натижалари эркак жинсига мансуб 11 ёшли болалар маълумотларига яқин бўлган ($P>0,05$).

Шундай қилиб, кўкрак ёшида табиий озиклантирилган 3-12 ёшли ўғил болалар юзи антропометрик параметрларини ўрганиш бўйича натижалар шуни кўрсатганки, юз ўлчамлари болалар ёши улғайиши билан узвий боғлиқликда бўлган. Юз кўрсаткичлари тафовути асосан 5 ёшдан бошлаб кузатилган, шунинг баробарида ишонарли фарқлар 6-7 ёшдан бошлаб намоён бўлган. 11–12 ёшли ўғил болалар параметрлари бир бирига яқин бўлган.

3 ёшли қизларда ёноқ диаметри ўртача $7,74\pm 0,07$ см, пастки жағ диаметри бўлса ўртача $6,36\pm 0,10$ см ни ташкил этган. Юз морфологик баландлиги ўртача $10,47\pm 0,05$ см, юз физиономик баландлиги $16,52\pm 0,08$ см, кўз ташқи кенглиги $7,95\pm 0,06$ см, кўзлараро кенглик $2,08\pm 0,04$ см, иккала лаб шиллик қисми баландлиги $1,28\pm 0,03$ см, оғиз кенглиги $3,54\pm 0,04$ см бўлган.

Аёл жинсига мансуб 4 ёшли болаларда юз параметрлари 3 ёшли қизлар маълумотларидан ишонарли фарқланмаган ($P>0,05$). Шу жинсга мансуб 5 ёшли болалар юзи параметрлари 3 ва 4 ёшли қизлар кўрсаткичларидан ишонарли тафовутланмаган.

6 ёшли қизларда 3–5 ёшли қизлар кўрсаткичларига нисбатан катта фарқлар борлиги аниқланган ($P<0,05$). Ёноқ диаметри ўртача $8,64\pm 0,11$ см, пастки жағ диаметри $7,49\pm 0,05$ см, юз морфологик баландлиги $11,25\pm 0,05$ см, физиономик баландлиги $17,06\pm 0,08$ см, кўз ташқи кенглиги $9,12\pm 0,11$ см, кўзлараро кенглик $3,28\pm 0,13$ см, иккала лаб шиллик қисми баландлиги $1,93\pm 0,09$ см, оғиз кенглиги $4,29\pm 0,12$ см.ни ташкил этгани аниқланган.

7 ёшли қизларнинг параметрлари 6 ёшли қизларнинг кўрсаткичларига ўхшаш бўлган ($P>0,05$). Аёл жинсига мансуб 7 ёшли болалар юз параметрлари куйидагича тус олган: ёноқ диаметри ўртача $8,74\pm 0,12$ см; пастки жағ диаметри $7,67\pm 0,10$ см; юз морфологик баландлиги $11,39\pm 0,07$ см; юз физиономик баландлиги $17,37\pm 0,10$ см; кўз ташқи кенглиги $9,38\pm 0,13$ см; кўзлараро кенглик $3,36\pm 0,11$ см; иккала лаб шиллик қисми баландлиги $2,11\pm 0,09$ см; оғиз кенглиги $4,42\pm 0,12$ см.

8 ёшли қизлар юз параметрлари барча ўрганилган кўрсаткичлар бўйича 3–6 ёшли қизлар маълумотларидан ишонарли фарқ қилгани ҳолда ($P<0,05$), 7 ёшли қизлар параметрларига яқин бўлган.

9 ёшли қизлар юзи параметрларини тадқиқ этиш шуни кўрсатганки, ёноқ диаметри $9,09\pm 0,10$ см; пастки жағ диаметри $8,11\pm 0,18$ см, юз морфологик

узушлиги $11,58 \pm 0,12$ см, юз физиономик узушлиги $17,74 \pm 0,16$ см, кўз ташқи кенглиги $9,90 \pm 0,17$ см, кўзлараро кенглик $4,29 \pm 0,14$ см, иккала лаб шиллик қисми узушлиги $2,85 \pm 0,16$ см, оғиз кенглиги $4,86 \pm 0,18$ см.

Кўкрак ёшида табиий озиклантирилган қизлар юзи ўлчамларининг катталашиш тенденцияси 10 ёшли қизларда ҳам давом этган. Олинган натижалар аёл жинсига мансуб 3–7 ёшли болалар кўрсаткичларига нисбатан ишонарли юқорилигини кўрсатган ($P < 0,05$) ва 8–9 ёшли қизлар маълумотларига яқин бўлган.

Олинган натижаларнинг кўрсатишича, 11 ёшли қизлар юз параметрлари–ёноқ ва пастки жағ диаметрлари ўртача $9,92 \pm 0,18$ см ва $8,93 \pm 0,15$ смни ташкил этган. Юз морфологик ва физиономик узушликлари бўлса, ўртача $11,84 \pm 0,13$ см ва $17,28 \pm 0,17$ см.га тенг бўлган. Бошқа юз параметрлари бўйича ҳам яқин натижалар олинган: кўз ташқи кенглиги $10,38 \pm 0,17$ см, кўзлараро кенглик $4,76 \pm 0,14$ см, иккала лаб шиллик қисми баландлиги $3,29 \pm 0,19$ см, оғиз кенглиги $5,31 \pm 0,15$ см.

12 ёшли қизлар юз антропометрик параметрлари уларнинг 11 ёшли тенгдошларидан амалий жиҳатдан фарқ қилмаган.

Шундай қилиб, 3–12 ёшли қизларда шу ёшдаги ўғил болаларга ўхшаб юз ўлчамларининг ёшга боғлиқ ҳолда катталашиши кузатилган. Қизларда ишонарли тафовутлар 8 ёшдан бошлаб кузатилган.

Амалий жиҳатдан соғлом ўғил ва қиз болалар юзи ўрганилган параметрлари минтақавий меъёр сифатида тавсия этилгани боис кўкрак ёшида сунъий ва табиий озиклантирилган ўғил, қиз болалар юзи антропометрик параметрларининг қиёсий таҳлил натижаларини келтириш лозим деб топилган.

